



Санъатда кахрамон масаласи — бу ижодкорнинг эстетик поэзияси, бадиият ва махорат билан богликликда намоён бўладиган жараён. Кахрамон — бу ижодий ниятлар, бадиий-фалсафий гоялар кай тарика, канака шаклларда ифодаланади, деган гап. Шундай экан, кўнгилда тугилган ижодий максадни гоят хилма-хил йўсинларда, шаклларда акс эттириш мумкин. Хусусан, бадиий ният ялангоч агитка — таргибот-ташвиқот холатида ҳам, рамзларга, тимсол-ларга асосланган холда ҳам, романтик йўсинда ёки шафкатсиз рсалистик тарзда ҳам тажассум топиши мумкин. Бу нарса, ижодкорнинг адабиётда ўз бадиий-фалсафий гоялари тизимини яратиши, демакдир. У нихоятда кийинчилик билан кечадиган ва амалга ошадиган ходисадир. Айтиш мумкинки, асарлардаги кахрамонлар ижодкор эстетик идеалининг рангин кирраларини ёритишга хизмат килади. Ва яхлитликда санъаткорнинг гоялар системасини, демакки, ижодий феноменини намоён килади.

Бу борада устоз санъаткорлар тажрибаси биз учун хамиша сабоқ макта-би. Чунончи, Эсхилнинг «Форслар» трагедияси эрамиздан олдинги 490— 470 йилларда йигирма йилдан ортик давом этган Эрон-Юнон ўртасидаги жангу жадалларга багишланган. Эрон шохн Доро билан угли Кайковус (унинг исми фожиада Ксеркс, деб берилган) юнонлар юртига денгиз ва куруклик оркали лашкар тортади. Икки ўртада хаёт-мамот мухорабалари бўлиб ўтади. Эсхил ана шу вокеларни шохидигина эмас, бевосита уруш иштирокчиси ҳамдир. У кўлига килич олиб, Марафон шахри бўсагасида, Саламин оролида юртдошлари билан бирга Доронинг денгиз ва писда кўшинларига карши юзма-юз чиккан, ватани дахлеизлигини химоя килган. Шу тарика Эсхил киргинбарот жанглар окибатида харобага айланган, одамлари кирилиб битган шахарларни, култепа кишлокларни, вайрон хонадонларни ўз кўзи билан кўради. Урушнинг аёвсиз, кахри каттик манзаралари хотирасида ўчмас излар колдиради.

Эсхил форслар устидан козонилган галабадан кейин яна чорак аср яшаб, бир кам етмиш ёшида — 456 йили оламдан ўтади. Жангу жадаллар ва унинг шафкатсиз хакикатлари, окибатлари, маънавий-ахлокий сабоқлари Эсхилнинг хаётдан орттирган таассуротларигина эмас, аксинча бир умрга татимли хиссий ҳамда фикрий жамгармаси эди. Ана шу эмоционал тафаккур тажрибаси «Форслар» трагедиясининг магзини ташкил этади. Яхшилик, эзгулик — бу аччик азоблар, кийногу изтироблар, катта йўқотишлар эвазига восил бўлади. Хикмату донолик ўз-ўзидан юзага чикмайди. Шафкатсиз хаётий тажриба, какшаткич кечмиш-кечирмиш унинг бетимсол устозидир. Ана шу фикр Эсхил асарларида, шу жумладан, «Форслар» трагедиясида ҳам устувор бадиий гоя сифатида

адиб трагедияларининг фалсафий-эстетик меҳварини белгилайди.

Драма Эсхилнинг ўз даври воқеаларига жавоби бўлиб, у Саламин оролида кечган мухорабадан саккиз йил кейин ёзилган. Асар бошидан-охиригача форсларнинг маглубият сабабларини тахпил қилишдан иборат. Юз йиллар бадалида форсларнинг музаффар қиличи билан туги юнон тупроги узра яраклаб, хилпираб келган эди. Бугунга келиб нега қиличнинг дами қирқил-ди? Туг тутган қўллари чопилди? Байроги эса тунрокка қоришди? Ахир, голиб Доро қўшинларини енгадиган қуч хали ёругдунёда йўқ эди-ку? Йўкса, ўлим билан баробар маглубиятнинг боиси нимада?

Трагедияда биронта ҳам жанг сахнаси келтирилмайди. Форсларни босқинчи, котил, жаллод, ўзгалар ер-сувига, бойликларига кўз олайтирувчи очофат кабилидаги ҳақоратлар ҳам йўқ. Драманинг бош кахрамони — бу КЕЧИНМА ва ФИКР. Маглубият алампдан ўртанган форслар кўнгиллари кемирган кечинмалар билан, онги-тафаккурини ёндирган мушоҳадалари билан бўлишади. Форслар нега енгилди? Драманинг илк саҳифасидан охири саҳнасигача ана шу аламли саволга жавоб излаб қуйиб-ёнган ФИКР бош кахрамон сифатида бўй кўрсатади.

Драманинг охири саҳнасида ўлиб кетган форс подшоҳи Доронинг арвоҳи пайдо бўлади. У форс қўшинларининг маглубиятида шох Ксерксни айблайди. Ксеркснинг қалондимоглигидан, ўзига ортиқча бино қўйганлигидан, ҳаддидан ошган хою ҳавасларидан газабланган Зевс уни жазолади, у Зевснинг қаҳрига учради, деб билади. Бошини қуртдек кемирган шон-шавкат васвасаси, ўзга юртларни махв этиш, халқларини кул қилиш, бойликларини ўзлаштириш хомхаёллари унинг бошига етди. Доронинг фикрича, форсларнинг бошига ёнгилган кулфат-қасофат уларни сабр-қаноатга, доноликка ўргатиши керак. Инсон ҳар бир босган қадамидан сабоқ ва ҳикматлар ўқий олиши, тирикликнинг маъно моҳиятини ўқиб олиши лозим. Йўкса, унинг кўрган қўнлари «лоп» этиб ўтиб қўлланча, умри эса магзи пуч данак.

Эсхил она юртига қилич қайраб лак-лак қўшин билан бостириб келган форслар қаҳрида ёзаяпти. Лекин асарнинг бирон-бир ерида ўз халқини кул қилишга чоғланган бадииятлар қаҳрида қалам тебратаётганини пайқаймайсиз. Унинг учун энг муҳими, бу — инсон. Унинг тақдири ва қисмати. Жангчи ёки лашкарбошими, гадо ёки нодшоҳми, ялангоёқ чувринди ёки шон-шавкатга бурқанган баҳодир ақиб бўладими, ана шу хил одамларни, турфа тоифаларни воқеа сўзлаган қисмиёт. Одамлар қисмати орқали руҳониятини ақс эттириш асосида қисмиёт психологиясини, қисмиёт қиёфасини намоён этиш. Инсон ўз қилмиши учун жавобгар. Ҳар бир босган қадами унинг кўнгили кўзгуси. Дилидаги тилига чиқади. Кўнгилидаги ақли ихтиёри фаолиятини белгилаб беради. Адо этажак юмушларига йўналтириб туради.

Тиги парронга йўликкан бандаи мўмин. Боши ганасидан жудо этилган вужуд. Тириклайин хандакка йикитиб, устидан тупрок тортиб юборилган бир ховуч оломон... Уларнинг кўргулиги шунчалар қизил, қисмати шунчалар аянчми? Пшонасига ёзуқи шумиди? Ёхуд, ўз инон-ихтиёри билан улар ана шу интихога келаётирми? Инсон тугилган аснодаёқ умрининг интихоси аён эдимми? Ибтидо-ю интихо орқалигидаги не-не сир-синоатлар, тотли дамлару аччиқ кўргуликлар асли пешонаси шўрлигидан

белгиларми? Ёхуд, унг кўли чап кўлини чопиб ташлашини, ўз кўли кўзларини ўйиб олишини билармиди? Билса ҳам ўзини билмаганликка, гўлликка солиб юраверадими?

Одам — тирик жон. Шунинг учун ҳам уни хом сут эмган бандаи мўмин, дсймиз. Йўкса, юриб турган, узогини якин килиб келаётган оёқларига ўзи болта урадими? Ёруг жахонни ўзи учун зимистон гўристонга айлантириб, кўзларига мил тортадими? Ўз конига ўзи беланармиди? Ўз конини ўзи ичармиди? Инсон қисмати мунчалар мураккаб. Инсон пешонаси мунчалар шўрхок. Инсон шеваси мунчалар сирли, сеҳрлн, мўъжизали? Вахоланки, инсон нияти ўзига йўлдош ҳам дейишади.

Эсхил тадқиқотчиларининг таъкидлашича, «Форслар» трагедиясининг ўзагини сиёсий гоё ташкил этади. Яъни, одамзод урушсиз ҳам тинч яшаши мумкин-ку деган ният. Ана шундай тарғибот руҳидаги бадиий гоёнинг фалсафий идрок па талкин этилиши — Эсхилнинг трагик дахосидан бир нишона, холос.

Эътибор бсрайлик-а, сиёсий гоё Эсхил санъати туфайли буткул ўзгача йўналиш касб этаяпти. Уруш — йўклик экан, у одамлардаги одамийликни ҳам махв этувчи ёвуз куч. Уруш одамни адои тамом қилаяпти, синдираяпти. Эсхил бу ўринда бошка бир масалага диққатни тортади: уруш гайриинсоний экан, одамлар табиатидаги инсонийликка рахна солиши гайриинсо-нийликнинг галабаси эмасми? Одамлар табиатидаги эзгулик билан ёвузликнинг мангу олишувида ожиз қолган эзгулик қиргин урушларга йўл очиб бермаяптими? Одамлар вужудида шайтон билан раҳмон яшайди. Уларнинг қирқпичок, қиргинида раҳмоннинг бир қадар қўнгилчанлиги гайриинсоний иллатлару қусурларнинг болалаб кетишига сабаб бўлар экан-да. Уруш — ана шу хил гайриинсонийлик қўриниши.

Эсхил қахрамонлари у ёки бу мафқуралар манфаатини ёқловчи гоёларнинг ташвиқотчиси, қўз-қўз этувчи агитқалар эмас. Йук, улар ўзини-ўзи тафтиш этаяпти. Ўзини-ўзи кашф қилаяпти. Жонли одамлар жамият руҳия-тини очиб беришига қўра давр қахрамонлари тарикасида гавдаланаётир.

Адабиётшунос, профессор С. Мирзаев «Мустақиллик давридаги узбек адабиёти» номли рисоласида ёзади: «...Замонавийлик доимо адабиётнинг қалби ва асосий мавзуи бўлиши шарт, деган қоидага тўлиқ амал қилиш керак. Шундай экан, мустақиллик давридаги ҳаёт қахрамонларини адабиёт қахрамонларига айлантириш масаласига диққат-эътиборни қучайтириш лозим. Чунончи, мустақиллик туфайли ҳаётда вужудга қелган янги қахра-монлар, хусусан, озод республика халқ хўжалигининг турли жабхаларида, Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш йўлида фидокорлик намуналарини қўрсатаётган ишбилармон — тадбиркорлар образи адабиётимизда хали етарли эмас.

Холбуки, бозор иқтисодига ўтиш йилларидаги хилма-хил қийинчилик-ларни мардона енгиб, Ўзбекистонни жахоннинг илгор, энг ривожланган мамлакатлари қаторига қўтариш, халқ фаровонлигини яхшилаш соҳасида жонбозлик қилаётган фидойи замондошларимиз бугунги кунда адабиётнинг асосий — бош қахрамонлари бўлиши ҳам фарз, ҳам қарз. Мустақилликнинг меваси ва унинг амалдаги бунёдқори бўлган янги қахрамонлар ҳаёти, меҳнати ва орзу-истакларини тасвирлаш орқали одамларимиз онг-тушунчаси ва дунёқарашида юз берган буюқ ўсиш-ўзгаришларни умумлаштириб

кўрсатиш адабиётнинг мухим вазифасидир» (Самарканд, 1999 йил, 111 — 112-бетлар).

Бу мулохазалардан социалистик реализмнинг хиди келади. «Нега социалистик хаётимизнинг барча сохаларида оламшумул ўзгаришларни амалга ошираётган янги кахрамон — коммунистлар образи яратилмаяпти», кабилидаги стереотип гаплар шўролар даври адабиёти илмида кенг кулоч ёзган эди: аввал мафкуравий колип ясаб олиб ёки андоза бичиб, кейин унга мос келадиган кахрамонлар кидирилар эди. Вахоланки, жангу жадаллар факат музаффар фотихларнигина эмас, соткинлару уруш майдонини ташлаб бикинган кочокларни ҳам, маглублару ўлганларни ҳам юзага чиқарар экан. Демак, биргина уруш мисолида кузатадиган бўлсак, голиблару енгилганлар, сепинч кўз ёшлари-ю дарё бўлиб оккан конлар — барча-барчаси ёнма-ён воқе бўлаяпти. Хаётнинг бир бурда сахифасида ёнма-ён яшаяпти. Голиб хайкириklar ёнида харобазор шаҳарлар-у кишлокларнинг ҳам ингроклари, йигилари эшитилади. Шундай экан, нега энди факат от устидаги музаффар фотихлару байрок кўтарган зобитларгина бош кахрамонга айланиши ло-зим? Ахир, Эсхилнинг «Форслар» трагедиясида бунинг буткул акси-ку: голиблар эмас, жангда енгилган форслар драманинг бош кахрамони.

Бу хол профессор С. Мирзасв таърифлаган замонавийлик принципига мутлако зид эмасми? Замонавийлик хакидаги биз ўкиб-ўрганган, онгимизга зўрлаб тикиштирилган тасаввурларни, колипларни инкор этипти-ку? Демак, хамма гап адибнинг онги ва дунёкарашида. Кандай мавзу ва кахрамонларни танламасин, фалсафий-психологик тахлил эта билишида. Инсоннинг зафари еки инкирози оркали тириклик фалсафасини, жамият психологиясини, умр хикматини бадий мужассамлаштира олишида экан. Маънавий-маданий, интеллектуал кадриятларни химоя килувчи умумбашарий мазмундаги хулосалар чиқара билишида экан. Йўкса, «Форслар» трагедиясининг икки минг беш юз йилдан бери яшаб келаятганлиги, бадий-фалсафий салохияти билан инсониятни хайратларга солишлиги боиси нимада? Уруш бахона маглуб инсон рухи, фалсафаси, фожиасини жамият психологияси билан омухталиқда мужассам эта билганида. Демак, соткинлару маглублар фалсафасини кашф этиш оркали ҳам хаёт хакикатини акс эттиришга эришиш, давр рухиятини очиб бериш мумкин экан.

Адабий асарлар учун кандай мавзулар-у кахрамонлар танлаш хусусида профессор С. Мирзасв тавсияларига монанд йул-йўриklar таклиф этиш бу — бирёкламалик ва махдудликка олиб келади. Яна ўша соиалистик реализм-нинг замонавийлик, партиявийлик, типиклик сингари андозаларини, бадий тафаккурда эса стерсотипларни вужудга келтиради, холос.

Адабиётнинг бош вазифаси бу — инсонни химоя килиш, инсонни улуглаш, ундаги гайриинсоний иллатлар ва одамийлик фазилатларини кашф этиш. Инсоннинг кўнглидаги рахмон билан феълидаги шайтоннинг сир-синоатларини, килмиш-кидирмишларини очиб бериш. Шундай экан, тадбиркор ёки шифокор, фермер ёки фазогир бўладими, ана шу турфа тоифадаги феъл-атворларни юзага келтирган жамият психологияси билан ўша одамлар рухиятини ўрганадиган ФИКР ва ТУЙГУ бош кахрамон бўлса, ажабмас. Академик ёки вазир бўладими, тиланчи — гадоё ёки ўгри-каззоб бўладими, гар-фохиша ёки мўлғони-фирибгар бўладими, ОДАМ деб аталмиш бекарон оламни фалсафий-психологик ўрганадиган, нима учун сирли ва мўъжизага кон, деган

саволларга бадиий жавоб излайдиган, сабабларни фалсафий-эстетик тадқиқ этадиган ТАФАККУР билан КЕЧИНМА бош кахрамон бўлса, не ажаб.

Ахир, инсон онадан ўғри ёки фирибгар, академик ёки вазир, талбиркор еки фазогир, гар-фохиша ёки фермер бўлиб тугилмайди-ку. Унинг келгуси да ким бўлиши, қандай мўъжизалар яратиши ёки найрангбоз-фитначига айланиши Оллох Таолодан бўлак жамики тирик жонлар учун қоронгу. Бир сўз билан айтганда, инсон ўзи униб-ўсган ижтимоий муҳит билан ҳаётий шароитнинг меваси. Азалдан унга берилган хусусиятлар фаолияти давоми-да фазилат ёки иллат сифатида зохир бўлади.

Бадиий фикрнинг мўъжизакорлиги шундаки, у шахс ва жамият сийрати билан сувратини бир мағизнинг икки бўлаги сифатида акс эттира олсагина, ўз даврининг бош кахрамони бўлиб қолади. Барча замонларда бўлгани сингари яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам бугунги кун санъатининг кахрамони бўлишга ҳақли. Демак, жаҳолат, зўравонлик, истибдодга қарши бош қўтарган, шахс-миллат-ватан эрки учун қурашларда жон берган, ҳар қандай жамиятларда болалаб яшаган, маккор манфаатдорлик томонидан дорга тортилган ва лекин ўлим билмас мурасасиз фикр — бош кахрамон. Ҳар қандай шароит-муҳитда ҳам ўзлигидан кечмаган тафаккур ёнида ҳукмрон мафқуралар қиличига қин бўлган ялтоқи фикр ҳам ёнма-ён яшаб келган. Бугунги ҳою ҳаваслар издиҳомиди бу хил мураса-ю мадора фикрлар ҳам қарс бада-банг ногора рақсига ўйин тушмаяпти, деб қим айта олади?

Яхши одам, деганда қимни, қандай фазилатлар соҳибини қўз ўнгимизга келтирамиз? У, энг муҳими, қанақа қамб ҳислатлар эгаси бўлиши қозим? Қуни-қеча коммунистик идеаллар руҳи билан сугорилган, коммунизм гул боғларида яшаш тадоригини қўрастган, ҳаёт фаровон, турмуш қийқирик, дея жала ерга жар солганлар, коммунистик порлок қелажак йўлида ҳар қанақа ўлим бизга қисанд эмас, дея қўқрақига уриб ҳайқирганлар ҳам яхши одамлар эди. Бугун мустақил юртнинг ёруғ истиқболи учун ўзини ўтга-чўғга ураётганлар ҳам, фидойи-қуйинчак ватандошларимиз ҳам яхши одамлар.

Энди, бизнинг гўзаллик, эзгулик ҳақидаги тасаввур ва идеалларимизга ёт хусусиятларни (қўпинча уларни иллатлар, деб атаймиз) ўзида мужассамлаштирган ёмон одамлар ҳам санъат кахрамонлари бўлишга ҳаққи-ҳуқуқи бор. Негаки, бугун ҳам у моддий ва маънавий ҳаётнинг яллит уйғунликка эришувиға, шахс ва жамиятнинг қоклинишиға, маънан қомилликка етишувиға раҳна солаётир. Улар бизнинг гўзаллик ва яхши ҳаёт ҳақидаги идеалларимизға қое қелмаганлиги боис қокис туюлади. Аслида эса, ўша ёмон деб қилинган одамнинг ҳам ўзи таянган ҳақиқатлари бор. Жамиятни, ҳаётни янада гўзаллаштириш тўғрисида ўзи ишонган эътиқодлари бор.

Мутафакқир Гегель «Эстетика» асарининг учинчи қитобида жаҳон эпик шеърятининг тараккиёт тарихиға тўхталади. У Шарқ шеърятни мағзини рақзлар-символлар ташқил этган биринчи қосқичға қиритали. Албатта, бунинг тасдиғи учун қўқлаб қисоллар қелтириш қумқин. Хусусан, Фаридиддин Ақторнинг «Мантукот тайр», Атишер Навоийнинг «Лисонут тайр», Гулҳанийнинг «Зарбул масал» (Яқолоққуш ҳикояси), ҳитой ёзувқиси Лим Чжекнинг «Сичқонлар суд қурсисида» сингари асарларини таъқидлаш жоиз. Уларда ҳайвонлар (йўлбарс, от, эшак, фил, бури, тулки, айқ ва х.к.), қушлар

(семург, бургут, калдиргоч, бойўгли, яполоккуш, булбул), судралиб юрвчнлар (илон, сичкон, каламуш ва х.к.) бадий асарларнинг бош кахрамонлари ҳисобланади. Жамият ҳаёти, одамлар феъли-фаоляти ва тақдири мажозий шаклда ифодаланади. Демак, тимсоллар тили воситасида табиат — жамият — инсон ҳаёти кўринишларини тушунтириш мумкин экан.

Биргина илонни олайлик. Захар сочиш — унинг ҳаёт тарзи. Шу тарика у ўзини химоя қилади. У ўзининг яшашга ҳаққи-ҳуқуқи борлигини тасдиқлайди. Биз илонни ёвуз қуч, деб ҳисоблар эканмиз, у одамларни ким деб билади? Нима учун, биз фақат ўз манфаатимиздан келиб чиқиб мулоҳаза юритамиз, ҳулосалар чиқарамиз? Лекин, «илон» манфаатларини ҳисобга олгимиз келмайди. Уни йўқотиш пайида бўламиз. Инсон олий ҳилқат экан, илон ҳам одамларни ҳушёрликка, сезгирликка ундовчи маҳлуқот. Нега илоннинг тириклик фалсафаси бадий тадқиқот объект бўлиши мумкин эмас? Шу маънода, илон ҳам бугунги санъат кахрамони бўлиши мумкинми?

Ахир, халқимиз ўз эртақлари орқали бежиз айтмайли-ку, яхши ҳам етсин муродга, ёмон ҳам етсин муродга, деб. Энг муҳими, муродлар хайрли, амаллар эзгу бўлсин. Фақат, муродга етдим деганда йиқилгулик қилмасин. Ваҳоланки, йиқилганлар ҳам адабиётнинг кахрамони бўлиши мумкин экан. Эсхил ва жаҳон классикасининг тажрибалари бунинг ёрқин тасдиғи. Йиқилганларнинг қисмати ҳам одамзодни яшашга ўргатади. Фақат отангни ўлдирганга онангни бер, ўнг юзингга шапалок туширганга чап юзингни тут, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилавер, қабилда эмас. Аксинча, ўз қалбини саклашга, шаънини улуглашга, қурашиб яшашга ундайди.

Нўъмон Раҳимжонов